

**“ЎЗКИМЁСАНОАТ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БИЛАН КИМЁ ВА  
ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ  
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЎРТАСИДА**

**2021-2023 ЙИЛЛАР УЧУН**

**ТАРМОҚ (ТАРИФ) КЕЛИШУВИ**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.**

1. Мазкур келишув “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти (келгусида “Ўзкимёсаноат” АЖ деб юритилади) билан Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши (келгусида “Республика Кенгаши” деб юритилади) ўртасида тармоқ олдида турган вазифаларни ҳал қилишда ижтимоий шериклик асосида конструктив ҳамкорликни таъминлаш ва бозор муносабатлари шароитида тармоқ ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида тузилган.

2. Мазкур келишув меҳнат муносабатлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини тартибга солувчи, корхоналар ва ташкилотлар ходимларини ижтимоий-иқтисодий кафолатлар билан таъминловчи тармоқ миқёсидаги меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

3. Мазкур келишув асосида, мулкчилик шаклидан қатъий назар, “Ўзкимёсаноат” АЖ тизимидаги барча корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари тузилади.

Корхона ва ташкилотлар ишлаб-чиқариш ва хўжалик фаолиятлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда, жамоа шартномаларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

Тарафлар:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига амал қилиб;

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига амал қилган ҳолда;

иш берувчи ва ходимларнинг ижтимоий масъулияти муҳимлигини эътироф этган ҳолда;

ходимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш борасида ўзаро амалий ҳамкорлик қилиш, аҳоли ҳаёт даражасини муттасил ошириш, жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаш учун самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ижтимоий шериклик тамойилини амалга ошира бориб;

тармоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, меҳнат шартлари ва унга ҳақ тўлашни, тармоқ ходимларининг ижтимоий кафолатларини белгилаб берувчи мазкур Тармоқ (тариф) келишувини туздилар ва ўз зиммаларига қуйидаги йўналишлар бўйича мажбуриятларни олдилар.

4. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган 29, 47, 52, 81, 87, 98, 100, 103, 105, 111, 122, 129, 135, 138, 144, 154- сонли конвенцияларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш.

## **II. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. ИШ БЕРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

Жаҳон бозорида тармоқ иқтисодиёти рақобатбардошлигини янада ошириш, модернизация ва диверсификация қилиш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, инвестицион фаолликни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш мақсадида Тарафлар келгуси даврда қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

5. Истиқболли (прогноз) кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва барқарорлаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва тармоқни ривожлантириш стратегиясини шакллантириш.

6. Асосий кўрсаткичлар бўйича молиявий-иқтисодий имкониятларни инобатга олган ҳолда, йиллик ишлаб чиқариш вазибаларининг бажарилишини таъминлаш.

7. Ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ҳамда тармоқ тизимидаги корхоналар шаънига путур етказиш қалтисликларини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашиш мажбуриятини олган ҳолда тарафлар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3983-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4265-сон қарорларида белгиланган вазибаларнинг ижросини таъминлашга кўмаклашиш ва қуйидаги мақсадларга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш:

- корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, экспортга мўлжалланган сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминловчи замонавий технологияларни жорий қилиш жараёнларини жадаллаштириш;

- ички ва ташқи бозорда корхона маҳсулотларининг (ишлари, хизматлари) рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш ва янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;

- тежамкорликнинг қатъий режимини жорий қилиш, ишлаб чиқаришда электроэнергия ва материаллар сарфлари ва бошқа харажатларни камайтириш ҳисобига ишлаб-чиқариш харажатлари ва маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини камайтириш, шу жумладан технологик жараёнларни такомиллаштириш;

- техник, технологик ва ишлаб чиқариш интизомига қатъий риоя қилинишини таъминлаш.

## **III. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ.**

8. Ходимларнинг улар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ бандлигини таъминлаш.

**9.** Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишни касаба уюшма кўмитасининг олдиндан ёзма розилиги олинган ҳолда амалга ошириш.

Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган тақдимномага касаба уюшма кўмитасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11-сон қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси органида иш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби” асосида кўриб чиқилиши таъминланади.

Қуйидаги ҳолларда меҳнат шартномасини бекор қилинишида касаба уюшма кўмитасининг розилиги талаб қилинмайди:

- корхонанинг тугатилиши муносабати билан;
- корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган асослардан бирига кўра бекор қилишда;
- мулк эгасининг алмашиши сабабли корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишда.

**10.** Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда:

- ишдан бўшатилаётган ходим корхонага (ташкилотга) зарур бўлган ихтисослик бўйича меҳнат муносабатларини давом эттириш хоҳишини билдирса, унинг қайта ўқитилишини ташкил қилиш ва ўқиш даврида унга ўртача иш ҳақи тўлаш.

**11.** Ходимлар сони қисқартирилиши билан боғлиқ бўлган таркибий бўлинмалар, бўлимларни тугатиш ёки таркибий жиҳатдан қайта ўзгартириш масалалари тўғрисида касаба уюшма кўмиталарини олдиндан (камида 2 ой олдин) хабардор қилиш.

**12.** Ходимнинг ташаббуси билан уни вақтинча бошқа ишга ўтказишни Меҳнат кодексининг 94-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш.

**13.** Ходимларни дам олиш ва байрам кунларида ишга жалб қилишни Меҳнат кодексининг 130-, 132-моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш.

**14.** Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиши муносабати билан ходимни унинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказишни ва бунда меҳнатга ҳақ тўлашни Меҳнат кодексининг 95-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланган тартибда йил давомида 60 кундан ошмаган муддатга (ХМТнинг 29-Конвенцияси) амалга оширилишини таъминлаш.

**15.** Ҳудудий бандлик дастурига киритилган корхоналарда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни иш билан таъминлаш учун маҳаллий ҳокимиятлар томонидан белгиланган квоталарга амал қилинган ҳолда қўшимча иш ўринлари яратилишини таъминлаш.

**16.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорига

мувофиқ касаначилик меҳнати жорий қилинган корхоналарда касаначиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат кафолатларини “Касаначилик меҳнати тўғрисидаги Низом”га мувофиқ жамоа шартномалари орқали таъминлаш.

**17.** Ходимларни мутахассисликка тайёрлаш ва малакаларини ошириш бўйича уларнинг рўйхатини, шунингдек молиялаштириш манбаларини кўрсатган ҳолда йиллик дастур режасини тасдиқлаш ва унинг бажарилишини таъминлаш.

**18.** Штатлар қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатиладиган, тегишли малакага эга бўлган ходимларга корхонадаги вакант лавозимларни эгаллаш бўйича имтиёзли ҳуқуқ бериш.

**19. Иш берувчи** камида икки ой олдин **Касаба уюшмаси қўмитасига** ходимлар оммавий равишда ишдан бўшатилиши мумкинлиги ҳақида ахборот тақдим этади ва ишдан бўшатиш оқибатларини юмшатишга қаратилган маслаҳатлашувлар ўтказди.

**Касаба уюшмаси қўмитаси** иш берувчининг ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатилиш ҳақидаги қарорини олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги таклифни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўриб чиқиш учун киритиш ҳуқуқига эга.

**Корхоналарда** (ишлаб чиқаришларда, цехларда, бўлимларда) рўйхатдаги ходимлар ўртача сонининг 10 ва ундан ортиқ фоизи ишдан бўшатилиши ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатиш деб ҳисобланади.

(Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасига биноан, ходимларининг умумий сони 100 кишидан ортиқ бўлган ташкилотлардан рўйхатдаги ходимлар ўртача сонининг 10 ва ундан ортиқ фоизи ишдан бўшатилиши ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатиш деб ҳисобланади).

**20.** Юридик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида иш жойидан бўшатишган ходимларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.

**21.** Ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни яратиш.

#### **IV. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ.**

**22.** Ҳафталик иш вақтининг нормал муддати 40 соатдан ортиқ бўлмаслиги керак. Сменада (навбатда) туриб ишлайдиган ходимларнинг иш вақтини жамлаб ҳисоблаган ҳолда, смена графигига мувофиқ аниқланади ва ҳисобот даври учун меъёрланган иш соати ҳажмидан ошмаслиги таъминланади.

**23.** Тармоқ ходимлари учун иш вақти ва дам олиш вақтларининг тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда корхона ва ташкилотларни ички меҳнат тартиби Қоидаларига мувофиқ белгиланади.

**24.** Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин (МКнинг 119-моддаси).

**25.** Қуйидагилар учун қисқартирилган (ҳафтада 36 соатдан ошмайдиган) иш вақти белгиланади:

- 18 ёшга тўлмаган ходимлар учун;
- I ва II гуруҳ ногиронларига;
- зарарли ва оғир меҳнат шaroитларда ишлаётган ходимларга.

Ҳар бир корхонадаги меҳнат шaroитлари ноқулай бўлган ишлар рўйхати ва улардаги иш вақтининг аниқ муддати Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан тасдиқланган меҳнат шaroитларини баҳолаш услубиятига асосланган ҳолда тегишли жамоа шартномалари орқали белгиланади (Меҳнат кодексининг 116, 117- моддалари).

**26.** Ходимларни иш вақтидан ташқари ишга уларнинг розилиги билан жалб қилиш. Бунда иш сменаси 12 соатдан бўлган ишчиларни, оғир ва зарарли меҳнат шaroитларида ишлаётган ходимларни, ҳомиладор ва 14 ёшгача боласи бор аёлларни ҳамда 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишдан ташқари вақтда ишга жалб қилмаслик (Меҳнат кодексининг 124-моддаси).

**27.** Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (меҳнат шaroити оғир ва зарарли ишларда – бир кунда икки соатдан) ва йилига 120 (бир юз йигирма) соатдан ортиқ бўлмаслигини таъминлаш.

**28.** Ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган фарзанди (16 ёшга тўлмаган ногирон фарзанди) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай фарзанди бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган ходимнинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосасига мувофиқ уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаш. Тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси учун ходимларга ишлаган вақтларига ёки ишлаб чиқарган маҳсулотларига мутаносиб равишда ҳақ тўлаш (МКнинг 119, 229-моддалари).

**29.** Барча ходимлар учун 15 иш кунидан кам бўлмаган йиллик асосий таътил ва жамоа шартномалари ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллари белгиланади.

**30.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳар йилги «Расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги Фармонларига биноан қўшимча дам олиш кун(лар)и деб белгиланади.

Юқорида кўрсатилган қўшимча дам олиш кун(лар)ининг берилиши муносабати билан ходимларнинг йиллик асосий ва қўшимча таътиллари давомийлиги ўзгармайди.

**31.** Меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир этадиган ходимларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сон “Иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида” қарорга кўра қуйидагича қўшимча таътиллари бериш белгиланади:

| Омиллар | Меҳнат шaroитлари класслари |
|---------|-----------------------------|
|---------|-----------------------------|

|                                                          | 1 класс<br>мақбул | 2 класс<br>йўл<br>қўйилган | 3 класс зарарли |                  |                   |                    | 4 класс<br>хавфли  |
|----------------------------------------------------------|-------------------|----------------------------|-----------------|------------------|-------------------|--------------------|--------------------|
|                                                          |                   |                            | 3.1<br>1-даража | 3.2<br>2-даража  | 3.3<br>3-даража   | 3.4<br>4-даража    |                    |
| Қўшимча<br>таътилнинг<br>давомийлиги,<br>кунлар ҳисобида | 0                 | 0                          | 3               | 4 - 6<br>кунгача | 7 - 12<br>кунгача | 13 - 18<br>кунгача | 19 - 24<br>кунгача |

**32.** Ходимларга тармоқ тизимидаги умумий иш стажига қараб 3 кундан кам бўлмаган ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллари бериш.

**33.** Қонун ҳужжатлари билан белгиланган меҳнат таътилларининг умумий давомийлиги (қўшимча таътиллари билан биргаликда) 48 иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

**34.** Қуйидаги ҳолларда ходимларга бир марталик ҳақ тўланадиган қўшимча таътил бериш:

- фарзанд туғилганда (отасига) - 2 иш куни;
- фарзандларининг никоҳ тўйларида - 3 иш куни;
- ходимнинг никоҳ тўйида - 3 иш куни.

**35.** Яқин қариндоши (турмуш ўртоғи, фарзандлари, ота-онаси, қайнота-қайнонаси, туғилган ака-укалари, опа-сингиллари, буваси, бувиси) вафот этганда ходимга дафн маросими учун 3 кунлик ҳақ тўланадиган таътил бериш.

**36.** Икки ва ундан ортиқ 12 ёшгача фарзанди ёки 16 ёшгача ногирон фарзанди бўлган аёлларнинг ва фарзандлари бошланғич синфда ўқийдиган ёлғиз аёлларнинг иш ҳафтасини иш ҳақлари сақлаган ҳолда 1 соатга қисқартириш.

**37.** Меҳнат кодексининг 150-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлар (1941-1945 йиллардаги жаҳон уруши қатнашчилари ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган I ва II гуруҳ ногиронлари, ўн икки ёшга тўлмаган 2 ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёллар)дан ташқари қуйидаги ходимларга ҳам уларнинг хоҳишига кўра иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда 14 календарь кунга қадар таътил берилиши мумкин:

- а) бетоб оила аъзосини парваришлайётган ходимларга;
- б) 30 ёшгача бўлган ёш оила аъзоларига;
- в) ишлаётган пенсионерларга.

**38.** Ходимга иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан ортиқ бўлган таътил даврини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат стажига қўшиш, болани парваришлаш учун ҳақ тўланадиган ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллари бундан мустасно (Меҳнат кодексининг 142-моддаси).

**39.** Таътил бошланмасдан олдин охириги иш кунида таътил учун ҳақ тўланишини таъминлаш (Меҳнат кодексининг 148-моддаси).

**40.** Йиллик таътиллари бериш навбати ва тартиби календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касабга уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланган жадвалга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 143 ва 144-моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда белгиланади.

**41.** Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқувчилар ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул бўлган шахслар учун имтиёзлар Меҳнат кодексининг 14-боби талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланади.

**42.** Ходимнинг аризасига кўра унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

## **V. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ .**

**43.** Меҳнат кодексининг 9-боби талабларига риоя қилинишини таъминлаш.

**44.** Иш ҳақи ўз вақтида тўланиши, энг кам иш ҳақи стандартларига риоя этилиши, энг кам меҳнат ҳақи Ягона тариф сеткасининг биринчи разряди ставкасидан кам бўлмаслигини таъминлаш.

**45.** Нархларнинг ўзгариб боришига, инфляция даражасига, келишувларда белгилаб қўйилган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш.

**46.** Тармоқ тизимидаги барча корхона ва ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакли ва тизими, турли устамалар, мукофотлар, қўшимча ва компенсация тўловларининг аниқ миқдорлари амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан ишлаб чиқилган ва касабга уюшма қўмиталари билан келишилган ички меъёрий ҳужжатларда белгиланади ва жамоа шартномаларида мустаҳкамлаб қўйилади. Меҳнат муносабатларига оид тармоқ миқёсидаги раҳбарий ҳужжатларни Тарафлар билан келишилган ҳолда қабул қилиш.

Ходимларнинг лавозим окладлари ва тариф ставкаларини корхоналарда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тариф сеткаларига мувофиқ белгилаш.

**47.** Жамоа келишувлари ва шартномалари орқали меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл қўймаслик чораларини кўриш.

**48.** Тармоқ, ҳудудий ва маҳаллий миқёсларда илмий асосланган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш учун шарт-шароит яратиш орқали меъёрий негизни ривожлантириш.

Меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тизими, шакли ва шартларини қайта кўриб чиқишни касабга уюшма қўмитаси билан расман келишилган ҳолда амалга ошириш.

**49.** Тармоқ ходимларининг тариф ставкаларига Давлат томонидан белгиланган ставкалардан кам бўлмаган миқдорида корхонанинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда коэффициентлар қўллаш.

**50.** Ходимнинг айбисиз юзага келган бўш туриб қолишлар учун ўртача иш ҳақининг сақланишини таъминлаш (МКнинг 159-моддаси).

**51.** Дам олиш ва байрам кунларидаги, ишдан ташқари вақтдаги ишлар учун икки баробардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланишини ёки бир баробар ҳақ тўлаган ҳолда дам олиш кунлари (отгул) берилишини таъминлаш (МКнинг 157- моддаси).

**52.** Тунги вақтдаги (соат 22-00 дан 6-00 гача) ишнинг ҳар бир соати учун бир ярим баробар миқдорда ҳақ тўлаш (МКнинг 158-моддаси).

**53.** Меҳнат кодексининг 171, 172-моддаларида кўзда тутилган харажатлар ходим томонидан тегишли ҳужжатлар тақдим этилганда жамоа шартномаларида белгиланган тартибда ва миқдорларда қопланишини таъминлаш.

**54.** “Ўзкимёсаноат” АЖ тизимида кадрлар қўнимсизлигига йўл қўймаслик, ходимларнинг ишдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида уларнинг меҳнат стажларини инобатга олиб, молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда “Йил якуни бўйича рағбатлантириш” ва “Хизмат қилган йиллари учун рағбатлантириш” низомларини ишлаб чиқиш ҳамда уни барча корхона ва ташкилотларда жорий қилиш.

**55.** Меҳнат кодексининг 161-моддаси талабларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида иш ҳақидан қарздорликка йўл қўймаслик бўйича ўз вақтида чоралар кўриш.

**56.** Ходимларга иш ҳақи тўлашнинг аниқ муддатларини жамоа шартномаларида белгилаб қўйилишини таъминлаш.

**57.** Ходимларга иш ҳақи тўлаш муддати корхонанинг депозит ҳисоб рақамида маблағ йўқлиги сабабли кечиктирилганда – иш берувчига (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.03.2002й. 88-сон қарорига мувофиқ) иш ҳақини тўлаш учун банкдан кредит олиш мажбурияти юкланади.

**58.** Ходим давлат ёки жамоат вазифаларини, иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир қўшимча вазифаларни бажаришда ҳамда жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда ана шу вазифаларни бажариш даврида унинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақини сақлаш. (МКнинг 165, 166, 167-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.1997й. 133-сон қарорининг 5-илоvasи).

**59.** Корхоналарда фахрий унвон ва илмий даражага эга бўлган ходимларга нисбатан белгиланган тартибда қуйидаги қўшимча тўловлар тўлаш:

- “Халқ” ва “Хизмат кўрсатган арбоб” фахрий унвонлари эгаларига тўловлар Республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баробари, “Хизмат кўрсатган” фахрий унвони соҳиблари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баробари миқдорида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17 декабрдаги ПФ-3942 сонли Фармони);

- фан номзоди илмий даражасига эга бўлганларга Республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 60% гача, фан доктори даражасига эга бўлганларга эса базавий ҳисоблаш миқдорининг 100% гача бўлган миқдорда.

**60.** Дам олиш ва байрам кунларида ишлатиш тақиқланади. Зарур ҳолларда иш берувчининг фармойиши ёки буйруғи билан ишлаб чиқариш заруриятлари сабабли айрим ходимларни дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб этишга, жамоа шартномасида белгиланган асослар бўйича ўрнатилган тартибда йўл қўйилади.

**61.** Ўзбекистон Республикаси бўйлаб хизмат сафарлари учун тўланадиган компенсациялар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 171-моддасига ҳамда (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2003 йил 24 июлда 83 ва №7/12-сон қарор билан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268-рақам билан рўйхатга олинган) “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома”га асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) йўл кира харажатлари Йўриқноманинг 10-бандига асосан;
- б) доимий турар жойидан бошқа жойда яшаш, шу жумладан уй-жой ижараси билан боғлиқ харажатлар;
- в) Республикада бўйича ўрнатилган базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 % миқдоридан кам бўлмаган суткалик харажатларни тўлаш.
- г) иш берувчининг рухсати ёки розилиги билан ходим томонидан қилинган бошқа харажатлар.

**62.** Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарлари учун тўланадиган компенсациялар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 19 ноябрда 2730-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 19 октябрдаги 92-сон буйруғи билан тасдиқланган) “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом”га биноан амалга ошириш.

**63.** “Ўзкимёсаноат” АЖ тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотларга иш берувчиларнинг ташаббуси билан ишга жалб этилган алоҳида аҳамиятга эга бўлган касб эгаларига 3 йилгача бўлган муддатда турар-жой билан боғлиқ харажатларни Республикада белгиланган **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 2 баробаригача** бўлган миқдорида қоплаш.

**64.** Корхона раҳбари айби билан иш ҳақи тўловлари кечиктирилганда раҳбарга нисбатан қисман ёки тўлиқ мукофотдан маҳрум этиш чорасини қўлаш.

**65.** Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасининг “1” разряди миқдорини тармоқ миқёсида Республикада белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг “1” баробаридан кам бўлмаслигини таъминлаш.

**66.** Ўртача ойлик иш ҳақини тармоқ миқёсида (барча тўловлар ва устамаларни инобатга олган ҳолда) Республикада белгиланган **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4 баробаридан** кам бўлмаган миқдоргача етказиш.

**67.** Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасида (фондида) тариф ставкаларининг улуши 50% дан кам бўлмаган миқдоргача етказиш.

**68.** Ишлаб чиқариш билан боғлиқ меҳнат ҳақи тўловларининг маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархидаги улуши тармоқ миқёсида ўртача 15% дан кам бўлмаслигини таъминлаш.

**69.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарори билан тасдиқланган “Туман коэффициентлари, шунингдек, йиллик қўшимча таътилнинг энг кам муддати қўлланиладиган табиий-иқлим шароитлари оғир

ва ноқулай бўлган жойлар рўйхати”да кўрсатилмаган табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган айрим жойларда ишлаганлик учун устамалар ва қўшимча таътиллار қўлланилиши тўғрисидаги шартларни тармоқ корхоналарининг жамоа шартномаларида назарда тутиш.

**70.** Мулк шаклидан қатъи назар тармоқда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори билан тасдиқланган “Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентларини қўллаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисида Низом” талабларини тадбиқ қилш;

кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек, устамалар миқдори иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси кўмитаси билан келишган ҳолда жамоа шартномасига киритиш;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, ҳамда Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг 2019 йил 22 январдаги 2-2019/КК, 9 ва 1/103-сон қарори билан тасдиқланган “Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги Низом” талаблари бўйича белгилаш.

**71.** Пандемия шароитида карантин талаблари кучайтирилиши муносабати билан масофавий ишга вақтинчалик ўтказилган ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

меҳнатга ҳақ тўлашдаги соатбай асосида - ходимнинг масофавий ишга ўтказилгунга қадар белгиланган тариф ставкаси (лавозим оклади)дан келиб чиққан ҳолда;

меҳнатга ҳақ тўлашдаги ишбай асосида — ўрнатилган нархлардан келиб чиққан ҳолда.

**72.** Халқаро меҳнат ташкилотининг “Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенциясига биноан эркаклар ва аёллар томонидан турли шароитларда, турли кўникма ва малака билан, турли кўринишдаги, жавобгарлиги бир-бирига боғлиқ бўлмаган, лекин бир хил қийматга эга бўлган ишлар тенг миқдорда рағбатлантириш (илова 1).

## **VI. МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ГИГИЕНАСИ.**

Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасини ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблаган ҳолда, Тарафлар уз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

**73.** Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини, sanoat хавфсизлиги, атроф-муҳит муҳофазаси, давлат ва тармоқ

стандартлари ҳамда меъёрларининг бажарилишини таъминлаш. Саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини бошқариш тизимини мамлакат ва хориждаги энг илғор тажрибалар асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташкил қилиш, ҳужжатларни давлат стандартлари талабларига мувофиқ расмийлаштириш;

**74.** Ишлаб чиқариш фаолиятини қонунчилик талаблари ва “Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан саноат хавфсизлиги, меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича қабул қилинган талаблар, амалий ва режалаштирилган фаолиятдаги ҳамда ишлаб чиқарилаётган ва кўрсатилаётган хизматлардаги юқори даражали саноат хавф-хатарларини инобатга олган ҳолда режалаштириш ва амалга ошириш;

**75.** Авария ҳолатларини олдини олиш бўйича амалий ва барча мавжуд чоратадбирларни бажариш, авариялар содир бўлган ҳолатда эса – ходимлар саломатлиги, атроф-муҳит ва мол-мулкка етказилган зарар харажатларини қоплаш чораларини кўриш;

**76.** Тармоқ ходимлари, корхоналар ва акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқариш объектларида иш олиб боровчи пудратчилардан саноат хавфсизлиги, меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тармоқ миқёсида қабул қилинган тегишли стандартлар ва меъёрларга риоя қилишларини талаб қилиш;

**77.** Зарурат туғилганда “Ўзкимёсаноат” АЖнинг саноат хавфсизлиги, меҳнат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатини қайта кўриб чиқиш, тузатишлар киритиш ва такомиллаштириш;

**78.** “Ўзкимёсаноат” АЖнинг саноат хавфсизлиги, меҳнат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид сиёсатидаги барча ўзгаришларни ходимларга, меҳнат жамоасига, ҳокимиятнинг ижро органларига, назорат органларига, шериклар ва бошқа манфаатдор томонларга етказиш;

**79.** Меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси, хавфсизлик техникасига оид фаолият бўйича меҳнат жамоаси олдида бир йилда 1 марта ҳисобот бериш.

**80.** Республика Кенгаши билан биргаликда ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касбий касалланишни олдини олиш бўйича “Ўзкимёсаноат” АЖ дастурини ишлаб чиқиш ҳамда унинг бажарилишини таъминлаш.

**81.** “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги соҳасида фаолият юритувчи корхона ва ташкилотлар учун саноат хавфсизлигининг умумий талаблари”га сўзсиз риоя қилиш.

**82.** Ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозимини жорий этиш. (“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Қонуни 12-модда)

**83.** Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналардан фойдаланиш, технологик жараёнларни амалга ошириш чоғида, шунингдек ишлаб чиқаришда хом ашё ва материалларни қўллаш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш чоғида ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш. (“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Қонуни 23-модда)

**84.** Ходимлар, шу жумладан, раҳбарлар ўз касблари ва иш турлари учун меҳнатни муҳофаза қилишнинг давлат бошқарувини амалга оширувчи давлат органлари томонидан белгиланган тартибда ҳамда муддатларда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан ўтиши, йўл-йўриқлар олиши, билимлари текширилиши ва аттестациядан ўтказишни ташкил этиш. (“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Қонуни 25-модда)

**85.** Ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ва билимларини синаш тўғрисидаги намунавий Низом (Адлия вазирлигидан 14.08.1996й. 272-сон билан рўйхатдан ўтказилган) талабларига мувофиқ ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ва билим савияларини текшириш;

**86.** Иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича шартномалар тузиш (Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 24.06.2009 й. 177-сон қарори);

**87.** Тармоқ тизимидаги ҳар бир корхонада меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун зарур бўлган ва жамoa шартномалари орқали белгиланадиган маблағларни ажратиш (ишлаб чиқаришга сарфланадиган умумий харажатларнинг камида 0,02% миқдорида);

**88.** Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг қоладиган корхона фойдаси ҳисобидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ажратмалари ва қонунчиликка мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан меҳнат муҳофазаси жамғармасини ташкил қилиш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.11.2008й. 245-сон қарори).

**89.** Меҳнат кодексининг 214 – моддаси талабларига риоя қилган ҳолда, Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сон буйруғи билан белгиланган ходимларнинг тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминлаш.

**90.** Ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ходисаларда касбий касалланиш ёки ходимнинг соғлигига шикаст етказилганда иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақалар ҳамда зарарларни қоплаш тўловларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.02.2005 йилдаги 60-сон “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш Қоидалари”да белгиланган миқдорларда ва тартибда тўлаш.

**91.** Хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда шикастланиш, касбий касалланиш ёки саломатлигига бошқа зарар етиши сабабли ходим вафот этганда унинг оиласига олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла нафақа тўлаш, шунингдек дафн маросими харажатларини қоплаш.

**92.** Тармоқ тизимидаги корхоналар ходимларини меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган қуйидаги кафолатлар билан таъминлаш:

- касблар ва лавозимлар рўйхатига мувофиқ махсус кийим-бош, махсус пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларини ўз вақтида бепул бериш;

- санитария-маиший хоналарни талаб даражасида сақлаш;

- иш юзасидан ювиниш тақозо этиладиган ишларда – белгиланган нормаларда бепул совун бериш;

- корхоналар фаолияти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “COVID-19” пандемияси даврида чеклаш тадбирларининг қўлланилиши шароитида давлат идоралари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги вақтинчали санитария қоида ва меъёрлари” (СанПиН-0372-20) талаблари асосида ташкил қилиш;

- “сут –қатиқ истеъмол қилиш тавсия қилинадиган ишлар рўйхати”га асосан бепул сут ёки унга тенглаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари бериш.

**93.** Ишга қабул қилинган мутахассисларга меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси, ёнғин хавфсизлиги, саноат хавфсизлиги ва саноат санитарияси қоидалари бўйича кириш йўл-йўриқларини бериш.

**94.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли “Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш”.

**95.** Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектларини ўз вақтида кузги-қишки мавсумга тайёрлаш чораларини кўриш.

**96.** Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакилларни белгиланган муддатларда ўқитиш, фаолиятига кўмаклашиш ва фаол вакилларни рағбатлантириш.

**97.** Касаба уюшма ташкилотининг сайланма органига меҳнат муҳофазаси бўйича тузилган битимнинг бажарилиши тўғрисида йилда икки марта ахборот бериш.

**98.** Республика Кенгаши билан ҳамкорликда қуйидагиларни амалга ошириш:

- жойларда юз берган бахтсиз ходиса ва аварияларни амалдаги Низомга мувофиқ текширилишида вакилларнинг иштирок этишини таъминлаш;

- ходимларнинг меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича ўқитилишини ҳамда уларнинг шу масалалар бўйича йўриқномалар, қоидалар ва нормаларга оид билимлари текширилишини ташкил қилиш;

- меҳнат муҳофазасига оид меъёрий-техник ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 07.01.2000й. 870-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги Низом” асосида қайта кўриб чиқирилишини ташкил қилиш, корхона ва ташкилотларни мазкур ҳужжатлар билан таъминлаш ва жойларда уларга риоя қилилишини назорат қилиб бориш;

- меҳнат муҳофазаси бўйича корхоналардаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва уларни кенг жорий қилиш;

- меҳнат муҳофазаси бўйича “Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови”ни ўтказиш.

## **VII. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ.**

**99.** Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида республикада ўтказилаётган тадбирларни инобатга олган ҳолда меҳнат муносабатлари жараёнида ходимларнинг ҳуқуқ ва ваколатларига зиён етказишнинг олдини олиш мақсадида тизимдаги корхоналарида юридик ва кадрлар бўлимлари хизмати мутахассислари,

касаба уюшмаларининг ҳуқуқ ва меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассисларининг билимлари ошириб борилади.

**100.** Меҳнат кодексининг тегишли моддаларида кўзда тутилган талаблар асосида барча корхоналарида ички меҳнат тартиби қоидалари ишлаб чиқиши ва касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланиши таъминланади.

**101.** Корхона молиявий имкониятларидан келиб чиқиб ходимларни меҳнатдаги ютуқлари учун:

- пул мукофотлари билан;
- ташаккур эълон қилиш билан;
- қимматбаҳо совғалар билан;

санаторий ва профилакторийларга, шунингдек дам олиш уйларига йўлланмалар тақдим этиш йўли билан рағбатлантириши мумкин.

## **VIII. ИЖТИМОЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР.**

**102.** Корхоналарда жамоа шартномалари орқали Меҳнат кодексининг қуйидаги моддаларида назарда тутилган кафолат ва имтиёзлар берилишини таъминлаш:

а) 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахслар учун (103, 144, 150-моддалар);

б) атом объектларидаги фалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар учун (103-модда);

в) I ва II гуруҳ ногиронлари учун (68, 135, 143, 144, 150, 214, 220-моддалар).

**103.** Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақалари бўйича қуйидаги миқдорларда нафақа тўлаш:

- иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, байналминал-жангчилар ва уларга тенглаштирилган шахслар, қарамоғида 16 ёшга етмаган (18 ёшгача ўқувчилар) уч ва ундан ортиқ фарзанди бўлган шахслар, Чернобиль АЭСи ҳалокати оқибатларини тугатишда иштирок этганлар ва шу ҳалокат натижасида радиактив зарарланган зоналардан эвакуация қилинганлар ва кўчирилганлар, оғир касалликларга (ўткир лейкоз, аденома, саратон) дучор бўлганлар, ҳарбий хизматни ядровий полигонлар ва бошқа радиактив-ядровий объектларда ўтаган пенсия ёшидаги ногирон-ходимларга, шунингдек меҳнат жароҳати ва касбий касаллик оқибатида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз бўлган ходимларга – иш ҳақининг тўлиқ миқдорида;

- ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар бўйича рўйхатда турувчи ходимларга уларнинг давлат ижтимоий суғуртаси бадалларини тўлаган даври (умумий иш стажи)га қараб – иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизигача;

- бошқа ҳолларда, ходимнинг умумий иш стажига қараб - иш ҳақининг 60 фоизидан 80 фоизигача.

**104. Иш берувчи** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-

тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

- коронавирус инфекцияси билан зарарланиши ёки зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвариш қилаётган шахсларга ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўлаш.

- коронавирус инфекцияси билан зарарланган ёки карантинга жойлаштирилган, шунингдек, 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни таъқиқлаш.

- карантинга оид чоралар амал қилиши даврида **Иш берувчи** ходимларни, айниқса ҳомиладор аёллар, кексалар, имконияти чекланган ҳамда сурункали касалликка чалинган шахсларни, уларнинг розилиги билан, масофадан туриб ишлаш усулига, қулай иш графигига ёки уйдан туриб ишлашга ўтказди;

- Масофавий иш усулида, мослашувчан иш жадвалида ёки уйда ишлашга ўтиш ҳуқуқидан биринчи навбатда ҳомиладор аёллар, кексалар, имконияти чекланган шахслар ва сурункали касалликларга чалинган ходимлар фойдаланади.

**105.** Қуйидаги ҳолларда ходимларга корхонанинг молиявий имкониятидан келиб чиққан ҳолда моддий ёрдам бериш:

- меҳнат таътилига чиқишда моддий ёрдам кўрсатиш;

- а)** ходим, шунингдек унинг яқин қариндошлари (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари, туғишган ака-ука, опа-сингиллари) вафот этганда Республикада белгиланган **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори** 10 баробаригача, тармоқ тизимида ишлаб, пенсияга чиқиб ишламаётган пенсионер вафот этганда эса, Республикада белгиланган **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори** 3 баробаригача моддий ёрдам бериш;

- б)** бола тарбияси муносабати билан таътилга чиқаётган аёлларга, Республикада белгиланган **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори** 2 баробаригача бўлган миқдорида моддий ёрдам бериш.

- коллежни битириб биринчи бор ишга кирган ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш.

- ходимларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш ва уй-жой қурилиши, шунингдек сафарбарлик чақируви заҳирасида хизмат ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фоизсиз ссудалар бериш.

**106.** Тармоқ тизимида ишлаётган байналминалчи жангчилар ва меҳнат фахрийларига “Хотира ва қадрлаш куни” муносабати билан Республикада белгиланган **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори** 2 баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатиш.

**107.** “Кимёгарлар куни” – касб байрами ва Республикаимиздаги бошқа давлат байрамларини нишонлаш муносабати ишчи ходимларни молиявий имконият ва Жамоа келишувидан келиб чиққан ҳолда рағбатлантириш.

**108.** Мураккаб жарроҳлик операцияларига ва стационар даволанишга муҳтож ходимлар учун тиббий хизмат харажатларини тўлиқ ёки қисман (тегишли ҳужжатлар тақдим этилганда) қоплаш.

**109.** Ҳар бир ходим учун кишки мавсумга ҳарид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қийматини корхоналарнинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қоплаш.

**110.** Ходимларнинг овқатланиш харажатларини корхоналарнинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қоплаш.

**111.** Ходимларнинг жамоат транспортида ишга келиб-кетиш учун сарфлайдиган харажатларини корхоналарнинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қоплаш.

**112.** Кам таъминланган оилалар учун янги ўқув йили арафасида ҳар бир ўқувчига ҳарид қилинадиган ўқув қуроллари ва мактаб кийимлари (формалар) қийматини корхоналар ҳисобидан қоплаш.

**113.** Меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъий назар (бунда МКнинг 100-моддасини иккинчи қисмидаги 3 ва 4- бандларида ҳамда 106-моддасини 3, 4 ва 5- бандларида кўзда тутилган асослар мустасно) ходим пенсияга чиқиши муносабати билан ишдан кетаётганда унга тармоқ тизимида узлуксиз ишлаган даврига мос равишда молиявий имкониятлардан келиб чиқиб бир марталик рағбатлантириш.

**114.** Ходимларни юбилей ёшлари (50, 55, 60, 65, 70) муносабати билан камида бир лавозим оклади миқдорида мукофотлаш.

**115.** Сурункали беморлар учун ёки МТЭК хулосаси бўйича санаторияда даволаниш йўлланмаларининг қийматини молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда қисман ёки тўла қоплаш.

**116.** Ходимлар сони ёки штатлар қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатиш ва белгиланган тартибда ишсиз деб тан олинган ходимларга уларнинг ишсизлик даврида, лекин ишдан бўшатишдан кейин бир йилгача тармоқ тизимидаги даволаш ва соғломлаштириш муассасаларидан ҳамда болалар оромгоҳларидан фойдаланиш кафолатларини сақлаб қолиш.

**117.** “Ўзкимёсаноат” АЖ тизимидаги ижтимоий ва соғлиқни сақлаш муассасалари учун (санаторий-профилакторийлар, дам олиш зоналари, болалар оромгоҳлари, ётоқхоналар, тиббий муассасалар ва ҳ.к.) ўз вақтида белгиланган миқдорларда маблағлар ажратилишини таъминлаш.

**118.** Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини санаторийларда, санаторий-профилакторийларда, дам олиш масканларида ҳамда болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида соғломлаштириш учун корхоналар молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда маблағ ажратиш. Маблағларни ажратиш тартиби ва миқдори жамоа шартномалари орқали белгиланади.

**119.** Корхонада (тармоқ тизимида) камида 10 йил ишлаб пенсияга чиққан, ишламаётган пенсионерларга уларнинг аризаларига мувофиқ санаторийларга йўлланма қийматини қисман тўлаш шarti билан корхона имкониятларидан келиб чиққан ҳолда имтиёзли йўлланмалар ажратиш. Бунда йўлланма қийматининг қисман

тўланадиган миқдори касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда корхона маъмурияти томонидан белгиланади.

**120.** Тармоқ тизимида ишлаб, пенсияга чиқиб, ишламаётган “Кимё саноати фахрийси” унвонига эга бўлган ёлғиз пенсионерлар оғир хасталикка чалинганда, стационар даволаниш харажатларини улар ишлаган корхона ва ташкилотлар маъмурияти билан касаба уюшма қўмитаси томонидан аниқланадиган миқдорларда қоплаш.

**121.** Тармоқ тизимидаги корхоналар ходимларининг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиётган фарзандларининг ўқув-контракт тўловларини иш ҳақи ҳисобидан қоплаш.

**122.** Маҳаллалардаги ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган ва қўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида жойларда ўтказиладиган мақсадли умумхалқ хайрия хашарларида фаол иштирок этиш.

**123.** Кам таъминланган ва қўп болали оилалар аъзолари, Чернобиль АЭСидаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байналминалчи жангчилар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси учун хизматлари бор шахсларнинг маълум миқдорини ҳар йили касаба уюшмалари санаторияларида бепул соғломлаштирилишини жамоа шартномаларида кўзда тутиш.

## **IX. КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТИ ВА КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ.**

**124.** “Ўзкимёсаноат” АЖ Республика Кенгашини тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ифодаловчи ягона вакили деб тан олиш.

**125.** Иш берувчилар:

касаба уюшмаларининг ҳуқуқларига риоя этиши, уларнинг фаолиятига кўмаклашиши;

ходимларнинг манфаатларига дахлдор қарорлар қабул қилингунига қадар касаба уюшмалари билан маслаҳатлашувлар ўтказиши, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда эса уларнинг розилигини олиши;

касаба уюшмаларининг таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиши ва уларга қабул қилинган қарорлар ҳақида ёзма шаклда, сабабларини кўрсатган ҳолда хабар қилиши;

касаба уюшмалари органлари вакилларини улар манфаатларини ифода этаётган ходимларнинг иш жойларига монеликсиз киритиши;

касаба уюшмаларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар бўйича зарур ахборотни бепул тақдим этиши;

касаба уюшмаларига ўз вазифаларини бажариши учун зарур шароитларни таъминлаш;

касаба уюшмаларига жамоа шартномасида, келишувида белгиланган мақсадлар учун ва миқдорларда маблағлар ўтказиши;

касаба уюшмасининг аъзолари бўлган ходимларнинг ёзма аризалари мавжуд бўлганда касаба уюшмасининг тегишли ҳисобварағига ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш;

касаба уюшма ташкилотлари ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун уларни зарур бўлган жиҳозланган хоналар, алоқа ва транспорт воситалари билан таъминлаш.

**126.** Асосий ишидан озод қилинмаган касаба уюшма раислари ва ҳисобчиларига жамоат ишларини бажариш учун ўртача иш ҳақларини сақлаган ҳолда ҳафтада 2 соат бўш вақт ажратиш, касаба уюшмаси фаолларининг касаба уюшмалари томонидан ташкил этиладиган тадбирларида иштирок этишида амалий ёрдам кўрсатиш.

**127.** “Ўзкимёсаноат” АЖ тизимидаги корхоналарнинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, асосий ишидан ташқари ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва жамоатчилик фаолиятини амалга ошираётган Касаба уюшма қўмитаси раиси (асосий ишидан озод этилмаган касаба уюшма қўмитаси раиси) вазифасини бажарадиган ходим учун лавозим маоши (тариф ставкаси)га **50 фоизгача** миқдорда қўшимча тўлов ўрнатиш.

**128.** Касаба уюшмасининг сайланма органлари штатидаги ходимларга (асосий ишидан озод этилган касаба уюшма қўмитаси раиси ва қўмита ходимлари) моддий рағбатлантириш, хўжалик фаолиятининг асосий натижалари учун мукофотлар, рағбатлантириш, сувсизлик ва район коэффиценти ҳамда бошқа қўшимча тўловларни корхона маблағлари ҳисобидан тегишли раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчиларга тўланадиган миқдорларда тўлаш.

**129.** Ходим асосий ишдан озод этилган касаба уюшма қўмитаси раислигига сайланган тақдирда, унинг лавозимида бошқа шахсларни ишга қабул қилишда улар билан муддатли меҳнат шартномаси тузиш (сайланма органнинг ваколат муддати даврига).

**130.** Касаба уюшмаси сайланма органларидаги лавозимларга сайланганликлари туфайли асосий ишидан озод қилинган ходимларга сайлов ваколатлари тугагандан сўнг аввалги ўз ишини (лавозимини) бериш, бундай иш (лавозим) бўлмаган тақдирда ходимнинг розилиги билан аввалгисига тенг келадиган бошқа иш (лавозим) тавсия қилиш.

**131.** Касаба уюшмаси органларига сайланган ходимларни уларнинг сайлов ваколатлари тугагандан сўнг 2 йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатилишига (корхона тугатилиши ёки ходим томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ ишдан бўшатилишига асос бўлувчи хатти-ҳаракатлар бундан мустасно) маҳаллий меҳнат органининг розилигисиз йўл қўймаслик. (МКнинг 25-моддаси).

**132.** Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган меҳнаткашлар вакиллик органларига сайланганларга интизомий жазо чораларини қўллаш, улар билан иш берувчи ташаббусига қўра меҳнат шартномасини бекор қилиш амаллари Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонунида ҳамда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Корхоналарда меҳнаткашлар вакиллари ва уларга бериладиган ҳуқуқлар тўғрисида”ги 135-Конвенциясида назарда тутилган чекловларга риоя қилинган ҳолда амалга ошириш.

**133.** Қўйидаги мақсадлар учун корхона ва ташкилотлар касаба уюшма қўмиталари ҳисобига ҳар ойда корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 1% миқдорида маблағлар ўтказилишини таъминлаш:

- маданий-оммавий, жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш тадбир-ларини амалга ошириш ва ривожлантириш учун;

- корхона ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш учун;

- иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, байналминал-жангчилар ва уларга тенглаштирилган шахслар, меҳнат фахрийлари, кўп болали ва кам таъминланган оилалар ҳамда даволанишга муҳтож ходимларни зарурат туғилганда керакли санаторий-профилакторийлар ва курортлар йўлланмалари билан таъминлаш учун;

(Бунда ўтказиладиган маблағларнинг юқоридаги мақсадлар учун тақсимланиш миқдорлари жамоа шартномаларида ва ишлаб чиқилган низомларида белгилаб қўйилади).

**134.** Касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси бўйича ваколатли вакиллари этиб сайланган ходимлар ва меҳнат низолари комиссияси аъзолари меҳнат жамоасининг вакиллик органи аъзоларига тенглаштирилади ва уларга мазкур келишувда белгиланган ҳуқуқ, кафолат ва имтиёзлар татбиқ этилади.

**135.** “Ўзкимёсаноат” АЖ тизимида фаолият юритаётган ва касаба уюшма ташкилоти тузилмаган ҳамда янги ташкил этилаётган хўжалик субъектларида касаба уюшма ташкилотини тузишда ўз ваколати доирасида касаба уюшмаси Республика Кенгашига амалий ёрдам кўрсатади.

**136.** Ходимларнинг розилиги билан корхона бухгалтерияси орқали ихтиёрий касаба уюшма аъзолик бадалларини нақд пулсиз касаба уюшма қўмитасининг тегишли ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминлаш.

**137.** Корхона ҳисоб рақамида маблағ етарли бўлмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 15.03.2012 йил 2342-сон билан рўйхатга олинган “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида Йўриқнома”га мувофиқ касаба уюшма аъзолик бадаллари ижро тўлов ҳужжатлари бўйича пропорция асосида ҳисобдан чиқариладиган маблағлар қаторига киритилади.

**138.** Санаторий-профилакторийлар, тиббий муассасалар, болалар оромгоҳлари, дам олиш уйлари ва бошқа ижтимоий соҳа объектларини сотиш, фаолиятларини ўзгартириш ёки бошқаларга бериш масалаларини ҳал қилишда касаба уюшма ташкилоти сайланма органининг фикрини инобатга олиш.

**139.** Корхоналарга касаба уюшма аъзоси бўлмаган шахсларни ишга қабул қилишда уларга касаба уюшмасига аъзо бўлишликни таклиф этиш ва аъзолик афзалликларини асослаш.

## **Х. РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

**140.** Ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришда, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратишга меҳнат

жамоаларини сафарбар қилишда ўз ваколатлари доирасида хўжалик органлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш ва уларга кўмаклашиш.

**141.** Ижтимоий солиқ тушумлари ҳисобидан ажратиладиган қуйидаги маблағларни сарфланишини назорат қилиш:

а) соҳа ходимларига санаторийлар ва санаторий-профилакторийлар ҳамда уларнинг фарзандларига болалар оромгоҳлари йўлланмалари учун белгиланган тартибда ажратилган маблағларни;

б) “Ўзкимёсаноат” АЖ тасарруфидаги санаторий-профилакторийлар ва болалар оромгоҳлари учун тасдиқланган сметаларга мувофиқ ажратилган маблағларни.

**142.** Санаторий-курортларга ва даволаниш масканларига ягона ижтимоий тўловлар ҳисобидан бериладиган йўлланмаларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсати томонидан тасдиқланган йўриқномага риоя қилинган ҳолда тақсимланишини назорат қилиш.

**143.** Маблағлардан оқилона (рационал) фойдаланишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш.

**144.** Касаба уюшмаси бюджети маблағларининг корхоналар касаба уюшма кўмиталари томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши мажлисининг 25.01.2013й. 7-4-сонли қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмасига аъзолик бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ белгиланган мақсадлар бўйича бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш.

**145.** Иш ҳақи, меҳнатга ҳақ тўлаш, қўшимча тўловлар ва имтиёзлар, иш ва дам олиш вақтлари бўйича “Ўзкимёсаноат” АЖ миқёсида меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш.

**146.** Ижтимоий меҳнат кафолатлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини таъминлаш, иш вақти режими ва дам олиш вақти, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ходимларни саломатлигини сақлаш масалалари бўйича иш берувчилар билан музокаралар олиб бориш ва таклифлар киритиш.

**147.** Янги объектларни эксперт комиссиялари томонидан қабул қилиш, шунингдек, бахтсиз ходисаларни текшириш ишларида иштирок этиш учун ўз вакилларини жўнатиш.

**148.** Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги бўйича қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишда иштирок этиш ва уларга риоя қилинишини таъминлаш борасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

**149.** Спорт мусобақалари, спартакиадаларини ташкил қилиш ва ўтказиш, тармок терма жамоаларининг республика мусобақаларида иштирок этишини таъминлаш.

**150.** Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги масалалари бўйича касаба уюшма фаолларининг малакасини ошириш мақсадида ўқув семинарлари ташкил қилиш.

**151.** Қуйидагиларда иштирок этиш:

- меҳнат муҳофазаси бўйича касаба уюшма фаоллари учун ўқув семинарлари ўтказишда;
- меҳнат муҳофазаси ҳолати бўйича “Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан ўтказиладиган комплекс текширувларда;
- ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги бўйича билимларини текширувчи комиссия ишида.

**152.** Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қонунчиликда кўзда тутилган талаблар ва мазкур келишув меъёрларига корхоналарда риоя қилинишини назорат қилиш.

**153.** Мулкдор ёки унинг манфаатини ифодаловчи орган олдида меҳнат қонунчилигини бузаётган ва мазкур келишувдаги мажбуриятларни бажармаётган иш берувчиларга нисбатан чора кўриш масаласини қўйиш.

**154.** Корхоналарда меҳнат ва технологик интизомни мустаҳкамланишига, ички меҳнат тартибига риоя қилинишига ва меҳнат унумдорлигини оширишга кўмаклашиш.

**155.** Ишчилар онгида “Ўзкимёсаноат” АЖ мулкни сақлаш, моддий бойликлар ва ишлаб чиқариш ресурсларини тежаш тушунчаларини шакллантириш ишларини амалга ошириш.

**156.** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қарорларидан келиб чиққан ҳолда иш берувчилар билан биргаликда қуйидагиларни амалга ошириш:

- бир хил қийматдаги меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш принципини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш;
- ижтимоий йўналтирилган Дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш;
- иш берувчилар томонидан иш ҳақининг қафолатланган энг кам миқдорига оғишмай риоя қилиниши устидан жамоат назоратини ўрнатиш;
- ходимларнинг ижтимоий ночор тоифалари, шунингдек касаначиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- корхона банкротга учраши ёки қайта ташкил этилиши жараёнида ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш.

## **XI. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ ОММАЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ.**

**Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:**

**157.** Иш берувчиларга ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар йили маданий дам олдириш, туризм ва соғломлаштиришни ташкил этиш чораларини кўриб боришини таъминлаш.

**158.** Ҳар йили кам таъминланган ва кўп болали оилалар аъзолари, Чернобиль АЭСидаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байналмилалчи жангчилар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдида хизматлари бор шахсларни республикадаги санаторий - профилакторийларда бепул соғломлаштиришни кўзда тутиш.

**159.** Ёз мавсумида ходимлар фарзандларини болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиш ва соғломлаштирилишини ташкил этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириб бориш.

**160.** Даволаниш ва дам олиш учун замонавий шароитлар яратиш, мавжуд профилакторий ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўринлар сонини кўпайтириш ҳамда уларни модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратиш.

**161.** Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг фойдали ҳамда мазмунли ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш мақсадида маънавий-маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ҳамкорликда ўтказиш.

**162. 11 ноябрь – касаба уюшмалари куни** деб белгиланганлиги муносабати билан ҳар йили корхона ва ташкилотларда касаба уюшмалари кунига бағишланган маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари, касаба уюшмаси фаолиятига дахлдор кўрик-танловлар, конференция, форум, семинар, тренинг ва ижтимоий шериклар билан учрашувлар ўтказиш.

## **ХII. ТАРАФЛАРНИНГ БИРГАЛИКДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

**163.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ҳар йили қабул қилинадиган ижтимоий йўналишдаги Давлат дастурларини амалга ошириш, давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламдаги ислохотлар моҳияти, қабул қилинган қонунлар тўғрисида ҳар ойда камида 1 марта “Маънавият соатлари”ни ўтказиб бориш.

**164.** Республика миқёсида нишонладиган давлат байрамларини, йил дастурларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни қўшма қарорлар асосида ишлаб чиқиш.

**165.** Ижтимоий меҳнат муносабатларини жамоа-шартномавий тартибга солиш ва меҳнат соҳасидаги ўзаро муносабатларни ижтимоий шериклик асосида ривожлантириш, ўзаро манфаатларни ва тенг ҳуқуқлилини ҳурмат қилиш, меҳнат қонунчилигига ва меҳнат ҳуқуқига оид бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш.

**166.** Ходимлар ва ишламаётган пенсионерлар учун меҳнат қонунчилиги ва меҳнат ҳуқуқига оид бошқа меъёрий ҳужжатларда ҳамда мазкур келишувда белгиланган ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларнинг бажарилишини таъминлаш.

**167.** Жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланишни ташкил қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сонли “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ:

- иш куни давомида ишлаб чиқариш гимнастикаси машқларини бажариш;
- технология, ишлаб чиқариш ва иш шароитларидан келиб чиқиб, ходимларга ишлаб чиқариш гимнастикаси машқларини бажариши учун иш вақтига киритиладиган махсус танаффуслар белгилаш;
- “Спорт тарғиботчиси” вазифаси юклатилган ҳамда бажарадиган ишлар ҳажми ортган ходимга 2021 йил 1 январидан унинг базавий лавозим маошига **20 фоиз** миқдорда устама белгилаш;

- иш вақтидан сўнг танланган кунларда (хафтада камида бир марта) тизимдаги меҳнат жамоаларида раҳбар ва барча ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулоти (югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва бошқалар) билан шуғулланишини ташкил қилиш.

**168.** Республиканинг тарихий ва диққатга сазовор бўлган қадимий шаҳарларига саёҳатлар уюштириш.

**169.** Болалар оромгоҳларининг ёзги мавсумга ўз вақтида тайёрланишини ва ёзги соғломлаштириш мавсумини талаб даражасида ўтказилишини таъминлаш. Болалар оромгоҳлари йўлланмаларининг тўлиқ қийматини қоплаш учун қуйидаги миқдорларда маблағ ажратилишини кўзда тутиш:

- ижтимоий солиқ тушумлари маблағлари ҳисобидан – 22,5%
- касаба уюшма маблағлари ҳисобидан – ижтимоий суғурта сметаси баҳосининг 25% миқдорида;
- ота-оналар бадаллари ҳисобидан - ижтимоий суғурта сметаси баҳосининг 20% миқдорида;
- қолган қисми хўжалик органлари маблағлари ҳисобидан.

Бунда кам таъминланган ва кўп болали оилалар, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларини ҳамда ногирон-болаларни бепул йўлланмалар билан таъминлаш.

**170.** Қуйидаги йўналишлар бўйича ҳамкорликда чоралар кўриш:

- ходимлар ва уларни оилаларининг турмуш даражасини ошириш;
- хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини яратиш;
- меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш;
- меҳнат қонунчилиги бузилишларининг олдини олиш.

**171.** Корхоналар, бўлинмалар ва касаба уюшма ташкилотлари раҳбарларини ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ижтимоий шериклик, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалалари бўйича ўқишларини ташкил қилиш.

**172.** Меҳнат бозорини тартибга солиш соҳасида қонун билан ўрнатилган тартиб устидан назорат самарадорлигини ошириш, шу жумладан, касаба уюшмалари инспекцияларининг иштирокини кенгайтириш.

**173.** Ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар ва ишонч телефонлари тармоғини кенгайтириш, сайёр қабулларни жорий этиш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан ходимлар билан қайта алоқа механизми каналларини янада кўпайтириш.

**174.** Тармоқ тизимида барча корхона ва ташкилотларда ташкил этиладиган ўқувларига «Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари» мавзусини киритиш.

**175.** Халқаро меҳнат стандартларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, уларини корхона ва ташкилотларда ижроси юзасидан биргаликда мониторинг ўрнатиш.

### **ХИ. АЁЛЛАРГА ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА КАФОЛАТЛАР.**

**176.** Тарафлар аёллар ва ёшлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этишни ва имтиёзлар беришни ўз зиммасига олган ҳолда қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

**177.** Халқаро Меҳнат Ташкилотининг қуйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш:

“Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сон Конвенция;

“Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сон Конвенция;

“Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида” 103-сон Конвенция;

“Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сон Конвенция;

“Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сон Конвенция;

“Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сон Конвенция;

“Болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги 182-сон Конвенция.

**178.** Аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг ижтимоий – иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш борасида корхоналарда жамоа шартномалари орқали Меҳнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш:

а) ҳомиладор аёллар учун (78, 84, 143, 224, 228, 229, 231, 233, 237-моддалар);

б) икки ёшга тўлмаган фарзанди бор аёллар учун (78, 84, 224, 227, 228, 228-I, 229, 234, 236, 237-моддалар);

в) уч ёшгача фарзанди бор аёллар учун (78, 84, 150, 224, 228, 228-I, 234, 237-моддалар);

г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бор аёллар учун (150, 232-моддалар);

д) ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бири (васий, ҳомий) учун (230-модда);

е) ўн тўрт ёшга тўлмаган фарзанди ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бор аёллар учун (68, 144, 228, 229-моддалар);

ж) болаларни онасиз тарбиялаётган шахслар учун (235, 238-моддалар).

**179.** Жамоа шартномаларида аёлларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан:

- ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш;

- болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш;

- аёллар хоҳишига кўра икки ёшгача фарзанд парваришлаш учун таътил бериш ва шу давр учун қонунчиликда белгиланган тартибда нафақа тўлаш;

- 2 ёшгача фарзанди бор аёллар ўз хоҳишига кўра тўлиқсиз иш вақти асосида ишлаш, бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқи сақлаб қолиш.

- қарамоғидаги 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болани парваришлаш таътилида бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатиб бориш;

- уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга 1 соатга қисқартирилган иш куни белгилаш.

“Ўзкимёсаноат” АЖ тизимидаги корхоналарнинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, асосий ишидан ташқари ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оила ва хотин-қизлар билан ишлайдиган ходим учун лавозим маоши (тариф ставкаси)га 20% фоиз миқдорида қўшимча тўлов ўрнатиш.

#### **XIV. ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР.**

**180.** Корхоналар фаолиятида ёш мутахассисларнинг самарали иштирокини таъминлаш, шунингдек ёшларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларини ҳал қилиш борасида қуйидагиларни амалга ошириш:

- бошқарув салоҳиятига эга бўлган иқтидорли ёш ходимларни таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва сайланма касаба уюшма органлари раҳбарлари лавозимлари заҳираларига қабул қилиш амалиёти кенгайтирилишига кўмаклашиш;

- ёшлар билан ишлаш комиссияларини тузиш ва уларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириб бориш;

- “Устоз – шогирд” тизимини кенг жорий этиш ва таълим муассасаларини битириб янги ишга қабул қилинган ёшларни малакали ва тажрибали мутахассисларга бириктириб қўйиш ҳамда қўнимлигини таъминлаш;

- ёш ходимлар, мутахассислар ва бошқалар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиш;

- ёш оилалар аъзолари бўлган ходимларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш.

**181.** Корхоналарда жамоа шартномалари орқали ёшлар учун Меҳнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун (135, 143, 144, 202, 203, 214, 239, 240, 241, 242, 243, 244, 245, 246-моддалар);

б) ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган ходимлар учун (103, 143, 144, 249, 250, 254, 255, 256, 257-моддалар);

в) таълим муассасасини битирган ходимлар учун (68, 84, 103, 247<sup>1</sup>-моддалар).

**182.** Қонун ҳужжатларига биноан ва мазкур **Шартнома** мақсадлари учун Ўзбекистон Республикасининг 14.09.2016 йилдаги №ЎРҚ-406-сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни билан белгиланган “ёшлар”, “ёш оила”, “ёш мутахассис” тушунчаларидан фойдаланиб қуйидагиларни амалга ошириш:

-амалиёт ўташга бириктирилган таълим муассасалари битирувчиларига молиявий имкониятлардан келиб чиқиб, бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш;

-ишга қабул қилинган ёш мутахассислар билан меҳнат шартномалари тузилишини, уларни жамоа шартномалари билан таништирилишини таъминлаш.

**183.** Касб-хунар коллежи ва техникумлари битирувчиларининг тўлиқ бандлигини таъминлашга эришиш ҳамда иш қўнимсизлиги бўйича мунтазам мониторинг олиб бориш.

**184.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сон фармони ва 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-3138-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи “Ўзкимёсаноат” АЖ тизимидаги корхоналарда ёшлар манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси бўлишига эришиш мақсадида:

“Ўзкимёсаноат” АЖ тизимидаги корхоналарнинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда асосий ишидан ташқари жамоат ишлари билан шуғулланаётган ёшлар иттифоқининг вакили учун лавозим маоши (тариф ставкаси)га 20% фоиз миқдорида қўшимча тўлов ўрнатиш.

## **XV. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ.**

**185.** Келишувчи томонлар, ижтимоий шериклик принципларини тан олган ҳолда, тармоқ келишуви ва жамоа шартномалари бажарилишида юзага келган ҳар қандай низоларнинг олдини олиш чораларини кўришни ўз зиммасига оладилар.

**186.** Меҳнат низолари комиссияси ўз фаолиятини қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланган (12.01.2015 й., 20-66 с, 15.01.2015 й., 01-СП), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган тавсияларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

## **XVI. ИЖТИМОЙ МУЛОҚОТ ВА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.**

Тарафлар, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги муаммоларни маданий йўл билан ҳал этиш услуби ҳисобланган ижтимоий мулоқот ғоясига содиқлигини эълон қилиб, ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

**187.** Долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчиларнинг вакиллари билан давра суҳбатларини ташкил этиб бориш.

**188.** Халқаро меҳнат ташкилотининг “Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-сон Конвенциясига мувофиқ ташкилотларда ходимлар вакилларининг эркин фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратишга қўмаклашиш.

**189.** Кичик бизнес ташкилотларида ижтимоий-меҳнат муносабатларини жамоа шартномалари асосида тартибга солиш амалиётини кенгайтиришга ёрдам бериш.

**190.** Ягона музокара жараёнини тадбиқ қилиш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш:

тармоқ (тариф) келишувини - тегишли йилнинг январь ойидан, корхона, ташкилот, муассасаларда жамоа шартномаларини эса - март ойидан кечиктирмай тузишни;

тармоқ (тариф) келишуви ва жамоа шартномаларини бажариш якунларини касаба уюшмалари ва иш берувчилар ташкилотларининг қўшма мажлисларида, шунингдек, меҳнат жамоалари умумий йиғилиш (конференция)ларида тегишли йилнинг 1 апрелидан кечиктирмасдан кўриб чиқилишини.

**191.** Касаба уюшмаларининг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш:

Республика Кенгаши раисининг “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарувининг кенгайтирилган йиғилишларида иштирок этиши;

бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарларини корхоналарнинг бошқарув органларига киритилиши.

**192.** Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар иш берувчиларига касаба уюшмаси ташкилотини тузиш ва бу билан ишловчи ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш.

## **XVII. МУЛКНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ.**

**193.** “Ўзкимёсаноат” АЖ меҳнат жамоалари аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини максимал даражада таъминланишини инobatга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ тармоқ тизимидаги корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш дастурини амалга оширилишини таъминлайди.

**194.** Меҳнат жамоасига тегишли бўлган акциялар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Низомга асосан тақсимланади.

**195.** Хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоаси аъзоларига бериладиган имтиёзлар Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун асосида амалга оширилади.

Акциялар учун ҳақ тўлаш тартибини давлат мулкани тасарруф этишга ваколат берилган орган белгилайди.

## **XVIII. КЕЛИШУВНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ, УНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ ВА БАЖАРИЛИШИ УЧУН ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

**“Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви ва Республика Кенгаши:**

**196.** Мазкур келишув 2021-2023 йиллар учун тузилган бўлиб, навбатдагиси қабул қилингунга қадар амалда бўлади. Келишув тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотларда амал қилади.

**197.** Мазкур келишувнинг бажарилишини назорат қилишни томонларнинг вакиллари амалга оширади.

**198.** Заруриятга қараб, лекин камида йилда бир марта келишувнинг бажарилишини Қўшма йиғилишларда муҳокама қилиб боради, ушбу масала бўйича “Ўзкимёсаноат” АЖ таркибидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади.

**199.** Келишувда кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилади, камчиликлар ва тадбирларни бажармаслик фактлари аниқланганда тарафларни хабардор қилади ва камчиликларни бартараф қилиш бўйича тегишли чоралар кўрилишини талаб қилади.

**200.** Келишув бажарилишининг йил якуни тўғрисидаги ахборот ҳар икки тараф вакилларида иборат бўлган комиссия томонидан тайёрланади ва “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви ҳамда Республика Кенгаши раёсати вакиллари иштирокида муҳокама қилинади.

**201.** Келишувни бажаришда тарафлар ўртасида юзага келган баҳсли масалалар келишув комиссияси томонидан ҳал қилинади.

**202.** Меҳнат қонунчилиги бузилишига йўл қўйган мансабдор шахслар устидан суд органларига мурожаат қилишдан олдин, унинг юқори органи билан қонун бузилиш ҳолатини бартараф этиш чорасини кўриш.

**203.** Тарафлар таркибий тузилишида ўзгаришлар ёки қайта тузилишлар юз берган ҳолда, тегишли органлар уларнинг ҳуқуқий ворисларини аниқлайдилар ва ворислар ушбу келишувни бажаришга мажбурдирлар.

**204.** Тарафлар Келишув имзоланганидан сўнг уни ўзларининг қуйи органларига етказишни таъминлайдилар.

205. Келишувнинг бажарилиши бўйича жавобгарлик “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раиси ва Республика Кенгаши раиси ҳамда келишувдаги муайян тадбирлар бажарилиши учун масъул бўлган мансабдор шахслар зиммасига юклатилади.

206. Мазкур Келишув имзоланган кундан бошлаб кучга кириди ва келгуси келишув имзолангунга қадар амал қилади.

Келишув 2021 йил “ 3 ” февралда Тошкент шаҳрида тузилди

“Ўзкимёсаноат” Акциядорлик  
жамияти бошқаруви раиси

Кимё ва фармацевтика саноати  
ҳодимлари касаба уюшмаси

Республика Кенгаши раиси

  
Ж.Т.Мирзамахмудов

  
М.Х.Халилова

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
BANDLIK VA MEHNAT  
MUNOSABATLARI VAZIRLIGI  
« 10 » феврал 20 21 YIL  
№ 6-5

## МУНДАРИЖА

| <b>№</b> | <b>БЎЛИМЛАР</b>                                                                                    | <b>Бет</b> |
|----------|----------------------------------------------------------------------------------------------------|------------|
| I.       | УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.                                                                                   | 1          |
| II.      | ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.                                                  | 2          |
| III.     | МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ.                                                            | 2          |
| IV.      | ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ.                                                                        | 4          |
| V.       | МЕХНАТГА ХАҚ ТЎЛАШ.                                                                                | 7          |
| VI.      | МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ.                                                                           | 11         |
| VII.     | МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ.                                                                                   | 14         |
| VIII.    | ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР.                                                                     | 14         |
| IX.      | КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТИ ВА КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ.               | 17         |
| X.       | РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ                                                               | 20         |
| XI.      | МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ, СПОРТ ИШЛАРИ ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ.                                 | 22         |
| XII.     | ТАРАФЛАРНИНГ БИРГАЛИКДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРИ                                                            | 22         |
| XIII.    | АЁЛЛАРГА ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА КАФОЛАТЛАР.     | 24         |
| XIV.     | ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР.                                                           | 25         |
| XV.      | МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ.                                                                        | 26         |
| XVI.     | ИЖТИМОИЙ МУЛОҚОТ ВА ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.                                             | 27         |
| XVII.    | МУЛКНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ.                                             | 27         |
| XVIII.   | КЕЛИШУВНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ, УНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ ВА БАЖАРИЛИШИ УЧУН ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ. | 28         |